

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

МУКОФОТ МУБОРАК, ЖЎРАБЕК!

Хабарингиз бор, Давлатимиз раҳбарининг фармонига асосан 30 июнь – “Ёшлар куни” муносабати билан мамлакатимизнинг бир гуруҳ ўғил-қизлари давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Улар орасида Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнгин-қутқарувчиси кичик сержант Қобилов Жўрабек Мусурмон ўғли ҳам бор.

Жўрабек Қобилов табиатан босиқ, етти улчаб, бир кесадиған ва хушмуомала йигит. У нафақат касбий фаолият, балки спортда ҳам юқори натижаларни қўлга киритиб келаётган халоскорлардан бири.

Қаҳрамонимиз 1992 йил 15 апрелда

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Турмуши қишлоғида туғилган. 2012 йилда тумандаги касб-хунар коллежини тамомлаган. Маълумоти буйича мутахассислиги “спорт мураббийси”, тоифа буйича спорт устаси.

Хизмат фаолияти давомида 2013-2014 йилларда Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисмларидан бирида муддатли ҳарбий хизматчи, 2016-2018 йилларда Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги ҳарбий қисмлардан



бирида катта оператор ҳисобчиси лавозимида, 2018-2021 йилларда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Жанубий-Фарбий махсус ҳарбий округи спортчилар взводи йўриқчи-спортчиси, 2021 йил июль ойидан буён Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси “Шуртаннефтгаз” МЧЖ объекти биноларининг ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими 36-ёнгин-қутқарув қисми қутқарувчиси лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

Жўрабек Қобилов ўз хизмат фаолияти давомида аҳоли ва ҳудудларни ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлардан

муҳофаза қилиш билан бир қаторда, кураш, жиу-житсу, универсал жанг, жанговар самбо каби спорт турлари буйича республика, Осиё, жаҳон миқёсида ўтказиб келинаётган чемпионатларда биринчи ва совринли ўринларни қўлга киритиб, юртимиз доврўгини дунёга танитишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўз навбатида, сафдошимизни юксак эътироф ва эътибор билан қўлаб, келгусидаги хизмат фаолиятида ва спортдаги ташаббусларида омад-зафарлар тилаб қоламиз.

Соҳибжон ВАЙТОВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ Ахборот
хизмати бошлиғи, капитан.

Кўргазма

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфидаги таълим ва илмий-тадқиқот институтлари томонидан сўнгги йилларда ишлаб чиқилган илмий ва инновацион лойиҳаларнинг ҳафталик кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазманинг дастлабки кунида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси, Академия ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти, вазирлик тасарруфидаги Ёнгин

хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммолари илмий-тадқиқот институти томонидан Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда бажарилган илмий-техник ло-



йиҳалар доирасида олинган якуний натижалар буйича тақдимотлар ўтказилди.

Тадбирда Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг илмий ва инновацион ишлар буйича ўринбосари, подполковник Б.Қурбонов иштирокчиларни “Зилзилада аҳолининг барча қатламларини тўғри ҳаракатланишга ўргатиш учун мўлжалланган интерфаол мобиль илова яратиш” мавзусида инновацион

лоийҳа доирасида яратилган мобиль илованинг тузилиши, имкониятлари билан таништириб ўтди.

Кўргазмага ташриф буюрганлар вазирлик тизимида амалга оширилаётган илмий-инновацион фаолият буйича ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоблар олдилар.

ФВВ Матбуот хизмати

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Яқинда суд мажлисида кредитга оид иш кўрилди. Маълум бўлишича, кредит олувчининг таниши – ёш йигит П.С. унга кафилликка ўтган. Олинган маблағ вақтида қайтарилмагач, масала судгача етиб келган. Қизиқ томони шундаки, кафилликка ўтган йигит оилада ёлғиз боқувчи экан.

Ана энди ўйланг, нега у кредит олишга кафил бўлган? Ахир вақтида олинган қарз маблағ қайтарилмаса, кредит олувчи ҳам, кафилликка ўтган ҳам бирдек жавоб беради-ку! Агар йигитда ҳуқуқий билим етарли бўлганида, кредит олган танишига кафилликка ўтмаган, тегишли ҳужжатларга имзо қўймаган бўларди. Оқибатини ўйламаганлиги, ҳуқуқий тушунчага эга эмаслиги туйғули уни ҳам судга чақиришга тўғри келди. Билиб-билмай тўғри келган қозоғга имзо қўйиш ташвишга олиб келади. Сунгги вақтларда ёшларимиз орасида кредит олувчиларга кафилликка ўтиш ҳолатлари тез-тез учраб тураётганлиги афсусланарлидир. Демак, ёшларимизнинг ҳуқуқий билими, онгини ўстириш долзарб масалалардан биридир.

Давлат органларининг халққа хизмат қилиши ва инсон манфаатларини таъминлаши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда самарали ишлаши жараёнларини ёшларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёшлар мустақил давлатимизнинг стратегик мақсади саналади. Шу боис галдаги устувор вазифалардан бири мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Сабаби, бугунги ёшлар Ўзбекистон давлатининг эртанги тараққиётини белгиловчи куч саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиздаги бугунги ҳуқуқий ислохотларнинг мақсади айнан миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланаётган ёшларимизнинг истиқболга қаратилган.

Зеро, қонунлар ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинлиги устувор бўлган давлатнинг пойдевори мустаҳкам бўлади. Ҳар бир шахснинг ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ва уни амалда ҳимоя қила олиши мамлакат тараққиётининг муҳим шарт ҳисобланади.

Ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда инсон тақдири, ҳуқуқлари, манфаатлари, эркинлиги мужассамдир. Фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини билиши ва улардан амалда фойдалана олиши лозим.

Бунинг учун эса ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш зарур.

Умуман олганда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти деганда нима тушунилади? Олимларнинг эътирофича, ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг муҳим ва ажралмас элементидир. Бу ҳуқуқни англаш ва тушу-

нишдир дегани. Ҳуқуқий маданиятнинг асосий элементларига инсон ҳуқуқий онги, ҳуқуққа асосланиш ва қонунга итоаткорлик, шахснинг ҳуқуқий фаоллиги кабилар киради. Демак, ёшлар ҳуқуқий маданияти тушунчаси ҳам мазкур илмий таърифдан айри эмас.

Ҳуқуқий маданият соф юридик расмий тушунча эмас. У, аввало, маънавий ҳодисадир. Чунки ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жараёнида дастлаб ахлоқий маданиятнинг инсоф, виждон, одиллик ва ўз қадрини билиш каби элементлари шаклланади. Улар асосида эса ҳуқуқий маданият шаклланади. Мазкур элементларсиз ҳуқуқий маданият ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Ёшлар ўзларига тегишли қонунлар ёрдамида яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва қуллик, ҳурмат ва ҳурматсизлик каби ҳуқуқ соҳасининг энг бошланғич алифбосини англаб, идрок этиб боради. Ёшлар вояга етиши мобайнида ҳуқуққа оид тегишли билимга эга бўлди. Ҳуқуқий маданият мавҳум нарса эмас. Аксинча, у ахлоқий маданият асосида шаклландиган, шахснинг давлат органлари билан мунтазам муносабати ва инсон ҳуқуқи, эркинлиги ҳамда инсон манфаатлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

Ёшлар ҳуқуқий маданияти яхлит бир тизим бўлгани боис уни юксалтириш жараёнига барча давлат органлари, ҳуқуқий институтлар ва фуқаролик жамияти институтларининг жалб этилиши ўз самарасини беради.

Юртимизда янги ҳаёт, янги жамият куриш мақсадида бошлаган залворли ишларимизни мантикий якунига етказиш учун ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳаётий заруратга айланган.

Кези келганда, бир нарсани айтиб ўтишимиз керакки, ҳуқуқий билимга эга бўлган ёшлар қадамни ўйлаб босади, ҳар бир хатти-ҳаракатига баҳо беради, оқибатини ўйлайди. Ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлган авлод эса жамият ривожига ҳисса қўшади, энг муҳими, эртанги ҳаётда адашмайди.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилояти Оҳангарон
туманлараро судининг судьяси.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида Бош прокурор ўринбосари – Ҳарбий прокурор генерал-майор Шухрат Узаков раислигида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ



Видеоселектор тарзида ўтказилган мажлисида Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси ва ҳудудий ҳарбий прокуратураларнинг барча прокурор-тергов ходимлари иштирок этди.



Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларининг Куролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида

2022 йил 6 ойидаги фаолияти муҳокама қилинди ҳамда келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Сардорбек ЁРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси,
адлия подполковниги.

ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Коррупция давлат ва жамият тараққиётининг кушандаси. Шу боисдан унга қарши курашиш ҳамisha долзарб саналади. Айниқса, давлат хизматчилари орасида коррупция иллатининг олдини олиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.



манлари бўлимлари ходимлари ва Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясида меҳнат қилаётган ҳарбий хизматчилар қатнашдилар.

Йиғилишда бошқарма бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов сўз олиб, ўз сўзида коррупцияга қарши курашиш, аввало, халқимизнинг фаровон турмуш даражаси, ҳуқуқлари, кафолатлари, иқтисодийтини ривожлантириш ва бизнес учун қулай муҳит яратишини таъминлашини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда сўз олганлар давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлигини қайд этдилар. Мамлакатимиз ривожланишининг бугунги босқичида коррупция энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги, унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг устувор вазифасига айланиши даркорлигини уқтирдилар.

Акмажон АБДУРАҲМОНОВ, Наманган ҳарбий прокуратураси катта терговчиси, адлия подполковниги.

Авазбек ИБРАГИМОВ, Наманган вилояти ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими инспектори, подполковник.

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАМАДИ

Чирчиқ шаҳрида яшовчи 25 ёшли В.С. айни ўқиб-ўрганадиган пайтида жиноятга қўл урди. Гап шундаки, у ўтган йили 7 ноябрь куни Тошкент шаҳрига келади. Мақсадсиз кўчада юриб, Миробод тумани Шаҳрисабз кўчасида жойлашган қандолат дўкони олдига келади. Шунда у қаровсиз қолдирилган “Нексия-3” русумли автомобилнинг ойнаси очиклигини кўриб, салонга назар солади. Қарасаки, машина калити ҳам машинанинг ичида турибди. “Олиб қочсам-чи”, унинг ҳаёлига шу фикр келади.

В.С. атрофга олазрак қараб, ҳеч ким уни кузатмаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, рулга ўтиради. У автомобилни олиб қочиб, Чирчиқ шаҳри Навоий кўчасида жойлашган “Макро” савдо мажмуаси олдига келади ҳамда автомобилни қолдириб, салон ичида бўлган 2 500 000 сўм пулни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинади.

Шу ўринда жабрланувчининг суддаги кўрсатмасини келтирсак: “Еттинчи ноябрь куни соат 18-00 ларда мижознинг буюртмасига асосан қандолат дўконига келдим.

Буюртма тайёр бўлгунга қадар кутиб турдим. Автомашинанинг калити салонда қолганди, эшиги ҳам очик эди. Дўкондан қайтиб чиқсам, автомобилга жойида йўқ. Ҳолат юзасидан ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилдим. Беш кундан кейин “Нексия” русумли автомобилга топилди, бироқ ичида турган 2 500 000 сўм пул йўқ эди. Ҳозирда В.С.нинг оила аъзолари томонидан моддий зарар қопланганлигини, автомобилга сиз ҳолатда қайтариб олганлигини, судланувчига нисбатан даъвоим йўқлигини инобатга олиб, овоз-

ликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашини сўрайман.”

Суд давлат айбловчисининг хулосаси, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатмаларини эшитиб, унга нисбатан тегишли жазо тайинлади. Шундай қилиб, оқибатини ўйламай машинани олиб қочган В.С.га 3 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Энди ўзингиз ўйланг. Агар В.С. кўчада бемақсад юрганида жиноятга қўл урмасди. Бугун у ҳарқанча афсус чекмасин энди кеч.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Миробод туман судининг судьяси.

ИККИ БОСҚИЧЛИ ТИЗИМ АФЗАЛЛИГИ

Табиий газнинг бир маромда етказиб берилишига газ таъминоти филиали томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, таъминот билан боғлиқ мавжуд муаммоларнинг олдини олиш ва йўқотишларни бартараф этиш борасида кенг қўлланма ислохотларга қўл урилди. Хусусан, жойларда уч босқичлидан икки босқичли тизимга ўтирилганлиги таъминотда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилиши табиий.

Пойтахтимизнинг биргина Юнусобод тумани мисолида кўрайдиган бўлсак, туманда жами 88 682 мингдан ортиқ табиий газ истеъмолчилари мавжуд. Бугун ҳудуднинг 20 мингдан ортиқ табиий газ истеъмолчиси хонадонига “ақлли” ҳисоблагичлар ўрнатилди. Таъкидлаш лозимки, истеъмолчиларга 385 донга газ маромлаш қурилмалари орқали табиий газ етказиб берилмоқда. Уларга сифатли ва самарали хизмат кўрсатиш мақсадида соҳа вакиллари томонидан таъминот уч босқичлидан икки босқичли тизимга ўтказилмоқда.

Жумладан, тумандаги “Бободехқон”, “Регистон” маҳаллаларида икки босқичли тизимга ўтказиб бўйича демонтаж ишлари амалга оширилмоқда. Натижада 30 дан ортиқ газ маромлаш қурилмаси демонтаж йўли билан олиб ташланади ҳамда 1300 дан ортиқ

ерли хонадонлар икки босқичли тизимга ўтказилади. Уч босқичлидан икки босқичлига ўтирилиши бу — ҳисобдонда маромлаш қурилмаси мавжуд бўлиб, у орқали табиий газнинг истеъмолчиларга бир маромда етиб борилиши таъминланади. Газ тақсимлаш қурилмалари орқали босимни назорат қилишга эса ҳожат қолмайди. “Бободехқон” маҳалласидаги ер ости газ қувурлари маънан эскирганлиги боис ҳозирда ер устига чиқарилиб, янги газ қувурлари тортилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, 2022 — 2023 йиллар куз-қиш мавсумини кўнгалдагидек ўтказишга қаратилган барча зарур ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

“Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали матбуот хизмати.

МАҲАЛЛАДА ТАДБИР

Наманган шаҳридаги “Тараққиёт” МФЙ ҳудудда ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини Фавқулодда вазиятлар профилактикаси кунини самарали ўтказиш мақсадида, вилоят ФВБ бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов томонидан тадбирга жалб этилганларга амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан қўшимча йўриқномалар берилиб, дахлдор ташкилот ва идоралар режа асосида тадбирга жалб этилди.



Тадбирлар давомида маҳалла ҳудудда жойлашган 560 та аҳоли яшаш хонадонларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар давомида 18 та ёнғинга, 7 та чақнашга хавфли хонадонлар аниқланиб, камчиликлар ўз ўрнида бартараф этилди. Хонадонларда истиқомат қилаётган 1005 нафар фуқарога содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин, чақнаш, ис газидан заҳарланиш ва бошқа ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, ҳудуддаги ёнғинга қарши ер ости сув гидрантлари ҳам назоратдан ўтказилди.

Тадбирга бириктирилган дахлдор ташкилотлар ходимлари (газ, электр, сув) ва Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан ўз соҳаларига оид аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, Наманган шаҳар ФВ

бўлими Ёнғин назорат профилактика инспекторига амалга оширилган ишлар юзасидан билдиргилар тақдим қилинди.

Шунингдек, кун тартибидан келиб чиққан ҳолда, яна бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирда ушбу профилактик тадбирлар Наманган шаҳар ва барча туманларда давом эттирилмоқда.

Қаҳрамон САТТОРОВ,
Наманган вилояти ФВБ ОАВ ва
ЖТБХҚ гуруҳи бошлиғи, капитан.

ҚИСҚА ТУТАШУВ

Жиззах вилояти ФВБ Тезкор бошқарув марказига Фаллаорол тумани “Ғафур Фулом” МФЙдаги хонадонларнинг бирида ёнғин содир бўлганлиги тўғрисида маълумот келиб тушди. ФВ бўлимининг 2 та ёнғин-қутқарув бўлимида дарҳол воқеа жойига етиб борди ва қутқарувчилар томонидан ёнғин батамом ўчирилди. Қўрилган тезкор ҳаракатлар натижасида хонадоннинг 130 кв.м. майдони ёнғиндан сақлаб қолинди.

Ёнғин натижасида яшаш хонадонининг 35 кв.м. майдонида шифт қисми ёниб зарарланган. Жабрланганлар йўқ.

Дастлабки суриштирувларга кўра, электр симларидаги қисқа туташув ёнғинга сабаб бўлган.

Ўктам АКРОМОВ,
Фаллаорол тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, капитан.

Xorazm viloyati FVBda “Rahbar va yoshlar” uchrashuvi bo‘lib o‘tdi. Unda boshqarma boshlig‘i polkovnik O‘lmas Meyliyev tizimda xizmat olib borayotgan yosh harbiy xizmatchi va xizmatchilarni qo‘llab-quvvatlash borasida amalga oshirilayotgan ishlar, ular uchun yaratib berilayotgan shart-sharoitlar haqida gapirib, har bir inson o‘z kasbini sevishi, unga sadoqatli bo‘lishi va albatta o‘z ustida ishlashi orqali yuksak marralarga erisha olishi mumkinligini ta’kidlab o‘tdi.

“RAHBAR VA YOSHLAR” UCHRASHUVI



Uchrashuvda tizimda faoliyat olib borayotgan 85 nafardan ortiq yoshlar ishtirok etib, ular turli savollariga javob olish bilan birga, o‘z taklif va mulohazalarini ham bildirdilar.

Farhod QURBONBOYEV,
Xorazm viloyati FVB
matbuot xizmati xodimi.

ДЕҲҚОН БОЗОРИ ЎРГАНИЛДИ

Жиззах вилояти ФВБ томонидан ўтказилаётган профилактик тадбирлар давомида Жиззах шаҳридаги бозорларда хавфсизлик қоидаларини таъминлаш юзасидан бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, марказий деҳқон бозорида вақтинчалик ўтказилган электр симларидан исталган усулда фойдаланилмоқда, савдо дўконларида иш тартибсиз, ертўла ва эвакуация йўллари чиқинди ва ахлатлар билан тўлдирилган, фавқулодда вазиятларда бу ердан зудлик билан чиқиб кетишнинг имкони йўқ. Бу каби ҳолатларга қатор мисоллар келтириш мумкин.

Умумий манзарадан ҳулоса қилиш мумкинки, тадбиркорлар даромад гамида бўлиб, хавфсизликни бутунлай унутишган. Бирор учкун чиқиб, ёнғин рўй берса, кўпчилик хонавайрон бўлиши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаяпти.

Афсуски, бу ягона ҳолат эмас. Бозорга ёндош ҳудудда янғидан-янғи савдо дўконлари қад кўтармоқда. Тижрат авжида. Аммо қутқарув техникалари ҳаракатланиши учун имкон йўқ. Ўтиш йўллари турли маҳсулотлар билан тўсиб қўйилган, ёнғин автомобиллар қолдириб кетилган. Бир сўз билан айтганда, ёнғинга сабаб бўлувчи омиллар кўплаб топилгани ҳолда, уни бартараф этиш учун зарур шароитлар яратилмаган.

Соҳа ходимлари томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича бозор маъмурияти қатъий огоҳлантирилди, тадбиркорлар билан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Шунингдек, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва ёнғинга қарши сув манбаларининг созлиги назоратдан ўтказилди.

Профилактик тадбирлар ҳозирда изчил давом эттирилмоқда.



Сайфиддин ҲОЖИМЕТОВ,
Жиззах шаҳар ФВБ бўлими бошлиғи, подполковник.
Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, капитан.

Организмимиздаги тана ҳароратимиз 36,6 даражани ташкил этади. Терлаш танани қизиқ кетишдан сақлаб туради ва ортиқча энергияни чиқариб ташлайди. Аммо исталган пайт термоназорат жараёни ишдан чиқиши мумкин, айниқса, ёзда бу жараён тез-тез учраб туради.

ОФТОБ УРИШИ

Умуман олганда, одам кучли мавжудот ҳисобланади. Организмдаги исталган жараёни бузиш учун бирор-бир жиддий сабаб бўлиши керак. Иссиқ уришига куйидаги омиллар сабаб бўлади: юқори ҳарорат ва намликда узок вақт қолиш; тик қуёш нури остида узок вақт бўлиш; мана шу ҳолатларда ўта фаол бўлиш; сув етишмаслиги.

Иссиқ уришининг дастлабки аломатлари дарҳол реакция беришга ундайди. Ҳар қандай ҳолатда “тез ёрдам” хизматини чақиритишга тўғри келади. Аввало, вазиятни ўзингиз баҳолай билинг: жабрдийда соя ва салқинда ўзини яхши ҳис этади. Агар бундай имкони-

ят бўлмаса, ҳаво айланадиган ва салқин бино ичига кириш лозим. Жабрдийданинг боши юқори ҳолатда бўлиши керак. Тана кенгрок майдонда жойлашиши лозим, бу танадан ортиқча энергия чиқиб кетишига сабаб бўлади. Пешонага қўйилган муздек компресс инсонни ҳушига келтиради. Кўп суюқлик ичиш сув-туз меъёрини жойига келтиради. Агар ёнингизда валериан бўлса, ундан 20 томчи қўйиб, ичиб юборилса, ҳаммаси жойига тушади.

Ж.АНОРБОЕВ,
Тошкент вилояти ФВБ
Оҳангарон тумани ОЁХТТЭБ
инспектори, сержант.



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ИНСТИТУТИ

71031902 – “Фавқулодда вазиятларда аҳоли хавфсизлиги” мутахассислиги бўйича 2022/2023 - ўқув йили учун

Магистратура босқичига қабул эълон қилади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти магистратура босқичида кундузги шаклда ўқитиш бўйича қабул қилиш квотаси 10 нафар (2 нафар номзод давлат гранти, 8 нафари тўлов-контракт асосида) этиб белгиланган.

Магистратурага қуйидаги номзодлар ўқишга қабул қилинади:

олий таълим муассасаларининг “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” йўналиши бўйича бакалаврият босқичини тамомлаган олий маълумотли мутахассислар;

Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида беш йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган ходимлари.

Магистратурага киришда номзодлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларнинг сканер ва-

риантини fvvfmqabul@umail.uz ёки fuqaromuhofazasi.id.uz электрон манзилига тақдим этадилар:

1. Магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғи номига ариза.
2. Фуқаролик паспорти нусхаси.
3. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси (ёки дипломдан кўчирма – Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова.
4. 3.5 x 4.5 ҳажмдаги рангли фотосурат (электрон шаклда).
5. 086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома нусхаси.
6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқишга киришда имтиёз берувчи ҳужжатнинг нусхаси.
7. Меҳнат дафтарчаси нусхаси (тегишли соҳада фаолият олиб бораётганлар учун).
8. Идора ва ташкилот раҳбарларининг йўлланмаси (тегиш-

ли соҳада фаолият олиб бораётганлар учун).

Институт магистратурасига ҳужжатлар жорий йилнинг 7 июль кунидан 7 август кунига қадар қабул қилинади.

Кириш синовлари 10 август куни “Чет тили” ва мутахассислик фанлари бўйича тест шаклида ташкил этилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
“Алишеробод” МФЙ
Анайбулоқ кучаси 3-уй.

Тел: (71) 230-50-72, 266-50-36.

E-mail: fvvfmqabul@umail.uz, fuqaromuhofazasi.id.uz

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси
институти қабул комиссияси.

AMALIY MASHG'ULOT

Andijon viloyati Shahrihon tumanidagi “Saxovat Group” MChJ da o'quv-amaliy mashg'ulot o'tkazildi.



Unda tuman FV bo'limi qutqaruvchilarining favqulodda vaziyatlar yuzaga kulganda to'g'ri va aniq harakat qilish, favqulodda vaziyatlar oqibatlarini oz vaqtida bartaraf etishga oid bilim va ko'nikmalari sinovdan o'tkazildi.

S.ZULUNOV, Andijon viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, mayor.
I.ORTIQOV, Shahrihon tumani FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

CHEGARA POSTIDA MASHQ

Nishon tumanidagi “Qarshi-Kerki” chegara bojxona mas-kanida “Ionlashtiruvchi nurlanishning egasiz manbalari topilishi bilan bog'liq avariylarni bartaraf etishda favqulodda vaziyatlar davlat quyi tizimining tegishli xizmatlari va huquqni muhofaza qiluvchi idoralarning hamkorlikdagi harakatlari” mavzusida maxsus-taktik o'quv mashqi bo'lib o'tdi.

Mazkur o'quv mashqi nazariy va amaliy tarzda o'tkazildi. Nazariy qismda ionlashtiruvchi nurlanishning egasiz manbalari topilish bilan bog'liq avariylarni bartaraf etishga qaratilgan barcha zarur chora-tadbirlari o'z vaqtida amalga oshirish borasida so'z bordi.



Amaliy qismda mutaxassislar dastlab ikkilamchi qorametall ortilgan yuk avtomobilini dozimetrik nazoratdan o'tkazish vaqtida aniqlangan shartli radiatsion manbani xavfsiz joyga o'tkazish va bu haqda tegishli xizmatlarga xabar qilish, uning zarar yetkazish masofasini aniqlash tartibi ko'rsatib o'tdilar va viloyat Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi Radiatsion, kimyoviy va tibbiy-biologik muhofaza guruhi qutqaruvchilari aniqlangan manbani zararsizlantirish harakatlarini amaliy tarzda bajardilar.

Tadbirda viloyat Favqulodda vaziyatlar, Ichki ishlar, Sog'liqni saqlash, Boj xona, Sanitariya-epidemologik osoyishtalik markazi, Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmalari, shuningdek, harbiy xizmatchilar, “Sanoatgeokon-texnazorat” Qashqadaryo mintaqaviy inspeksiyasi va Qarshi ikkilamchi qorametall mas'uliyati cheklangan jamiyatining hududiy filiallari mutaxassislari hamda maxsus texnikalar jalb ishtirok etildi.

Ramazon TURDIYEV,

Qashqadaryo viloyati FVB bo'lim boshlig'i, katta leytenant.

Abbos HAMRAYEV,

Nishon tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.

XAVFSIZLIK KAFOLATI

Toshkent viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi tomonidan 2022 yilda hududdagi 51 ta stacionar e'zgi dam olish oromgoxlarining ruyxati shakllantirilgani ishini to'g'ri tashkil-shartlashga imkon yaratdi. Mazkur oromgoxlarining texnik mustahkamligi hamda e'ngin xavfsizligi xolati yuzasidan Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ташкилотлари, шунингдек, мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари ҳамкорлигида шу йилнинг апрель-май ойларида қўшимча равишда е'нгинга қарши профилактик тадбирлар ўтказилди.

Тадбирлар якунига кўра юритилган таҳлиллар натижасида Бўстонлик туманидаги “Сугдиёна-Сойлик”, “Семурғ” ва “Геолог”, “Ёшлик”, “Хумо”, “Автомобилчи”, “Келажак”, “Фазогир-Гагарин”, “Family Care”, Бекобод шаҳридаги “Соҳил” (аввалги “Цементчи”), Ўртачирчиқ туманидаги “Меҳржон”, Паркент туманидаги “Adventura Time-Cumcha” ҳамда Қибрай туманидаги “Ботаника” оромгохлари жорий йилда фаолият олиб борилмайдиган бўлди.

Булардан ташқари, бошқарма ва ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бўлимларининг Давлат е'нгин назорати органи ходимлари томонидан 28 та тадбиркорлик субъектларига қарашли бўлган е'зги дам олиш оромгохларида е'нгин-профилактик кўриклар ҳамда давлат тасарруфидаги 12 та оромгоҳда е'нгин-техник текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларни bartaraf etishga kuchi maktsadida oromgox rahbarlariga kechiktirib bulmaydigan taklif va kursatmalar berildi. Ularining aksariyati bugungi kunga qadar bartaraf etildi. Shular barobarida oromgoxlarining ischilari bilan uchrasuvlar uyshirilib, favkulodda vaziyatlarining oldini olish hamda e'ngin xavfsizligi qoidalariga rioya etish yuzasidan suxbatlar utkazildi.



Вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан мавсум давомида ташкил этилиши режалаштирилган 144 та “Соғломлаштириш майдончалари”нинг рўйхати шакллантирилган бўлиб, уларнинг е'нгинга қарши ҳолати текшириб чиқилди ҳамда аниқланган камчиликларнинг тулик bartaraf etilishiga zriшилди. Шу жумладан, ўрганишлар жараёнида мавжуд бўлган 16 та сув тортиш мотопмалари ва 18 та насосларнинг техник ҳолати тайёр ҳолга келтирилди.

Шу кунларда вилоят ҳудудидаги 29 та стационар оромгоҳларда 7.860 нафар болажонлар марокли дам олишмоқда. Уларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда е'нгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 29 нафар

ҳарбий хизматчиларнинг туну-кун навбатчилиги ташкиллантирилган. Бундан ташқари, Ангрен шаҳридаги “Йулчи”, Бўстонлик туманидаги “Семурғ” ва Пискент туманидаги “Тон” оромгоҳларида 3 та е'нгин-қутқарув экипажлари доимий равишда навбатчилик олиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимиз мавсумни марокли ўтказишлари ва турли хавфлардан, айниқса, е'нгинлардан холи бўлишлари учун зарур чоралар кўриляпти. Албатта, олиб борилаётган ушбу хайрли тадбирлар хавфсизлик кафолатидир.

Даврон НОРМАТОВ,
Тошкент вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, подполковник.

RUHIY KO'NIKMA

Xonqa tumani FV bo'limi qutqaruvchilari bilan ruhiy tayyorgarlik bo'yicha olovli yo'lakchada mashg'ulot o'tkazildi.

Mashg'ulot yakunida qayd qilingan natijalar tahlil qilindi. Mashg'ulot rahbari tomonidan erishilgan ijobiy ko'rsatkichlar bilan bir qatorda yo'l qo'yilgan xato va kamchiliklarga ham to'xtalib o'tildi.

R.QADAMBOYEV, Xonqa tumani FV bo'limi xodimi.



Хоразм вилояти Тупроққалъа туманида қурилиши режалаштирилган янги масжид учун маҳаллий ҳокимлик томонидан туман марказидан 130 км. узоқда жойлашган «Тупроққалъа маскани» маҳалласидан 60 сотих ер ажратилди.

ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН



Хоразм-Бухоро вилоятлари чегарасида жойлашган Тупроққалъа маскани, «Саримой», «Нукус», «Хазорасп» маҳаллалари аҳолисининг кўп йиллик орзуси ушладиган бўлди. Чунки 9 минг аҳоли истиқомат қиладиган тўрт ҳудудда масжид йўқ эди, энг яқини Хазорасп туманидаги «Шайх Қосим бобо» масжиди бўлиб, ора-

лиқ масофа 120 километрни ташкил этади.

Куни кеча эзгу ният билан пойдевор учун тамал тоши қўйилди. Ибодат уйига шу жойда ўтов қуриб яшаган, халқ орасида маълум ва машҳур, қадрли инсонлардан бирига айланган солиҳ бир зот шарафига «Ўтовли Эшон» номи берилди.

Қурилиши режалаштирилаётган ушбу масжидга 5-10 йилдан буён эҳтиёж мавжуд эди. Эндиликда тегишли тартибда ушбу масжидни халқ ҳашари билан қуриш ишлари бошланади, албатта.

Самандар САМАНДАРОВ,
Тупроққалъа тумани ФВ бўлими
бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

OVQATDAN ZAHARLANISH

Ovqatdan zaharlanish – mikroblar bilan zararlangan oziq-ovqat mahsulotlari iste'mol qilinganda vujudga keladigan kasallik. Aksariyat hollarda birdan ko'pchilik kasallanadi, lekin bemorlardan sog'lom odamga yuqmaydi. Ko'pincha, stafilokokklar, enterokokklar, ayrim ichak tayoqchalari, protey, tsitrobakter, iyersiniya, klostridiya va boshqa(lar) mikroblar sabab bo'lishi mumkin.

Quyidagi 2 holat ovqatdan zaharlanish uchun umumiy hisoblanadi: 1) mikroblar tushib ko'paygan ovqat mahsulotlarini iste'mol qilish oqibati; 2) bemor organizmiga mikroblarning o'zi va uning toksini ta'siri.

Ovqatdan zaharlanish yoz oylarida ko'p uchraydi. Kattalarga nisbatan bolalar, ayniqsa, 3 oylikdan 2 yoshgacha bo'lgan bolalar ko'proq kasallanadi. Odam ko'proq urinib qolgan go'sht va uning mahsulotlari, sut mahsulotlari (ayniqsa, tort va shirinliklar), baliq, tovuq go'shtini iste'mol qilganda zaharlanishi mumkin.

Stafilokokklar sabab bo'lgan hollarda infeksiya manbai odam hisoblanadi. Angina yoki turli yiringli kasalliklar: sachratqi, chipqon, xasmol va boshqalar yiringli yaralar bo'lgan kishilardan mikroblar tayyor mahsulotga o'tib, tez ko'payadi. Uni bilmay iste'mol qilgan kishi darhol zaharlanaadi. Kasallikning yashirin davri 2-3 soatdan 3 kungacha. Kasallik to'satdan ko'ngil aynishi va qusish bilan boshlanadi, ich ketadi, qorinda tutash og'riq bo'ladi. Qisqa vaqt ichida bemor organizmi suvsizlanadi va holsizlanib qoladi. Yurak-tomir tizimi faoliyati buziladi. Ayniqsa, klostridiyalar sababli ro'y beradigan zaharlanish og'ir kechadi. Kasallikka tashxis qo'yish uchun bemorning qusuq massasi, me'daning chayil-

gan suvi sterilangan bankaga yig'ilib laboratoriyaga yuboriladi.

Davo kasallikning dastlabki alomatlari paydo bo'lganida tez yordam sifatida me'dani 2% li soda yoki nimrang kaliy permanganat eritmasi bilan chayish, tozalashdan iborat. Regidron, bektit preparat eritmasini ichirib turish kasallik og'irlashishining oldini oladi. Og'irroq hollarda disol, atsesol, trisol kabi suyuqliklar tomir orqali tomchilab qo'yiladi. Zarurat bo'lganida yurak-tomir tizimi faoliyatini yaxshilaydigan dorilar yuboriladi.

Oziq-ovqat tayyorlash korxonalarini xizmatchilari ish jarayonida shaxsiy gigiyenaga qat'iy rioya qilishlari, emizikli onalar go'dakni emizishdan oldin qo'li va ko'kragini sovunlab yuvishi kerak. Yoz kunlari go'daklar uchun ovqat faqat bir marta iste'mol qilishga yetarli qilib tayyorlanishi lozim. Ovqatga ishlatiladigan idishlar avval yuvilib, so'ngra qaynatilishi, ustiga toza doka yopib qo'yilishi lozim. Ro'zg'orda ishlatiladigan tez buziladigan mahsulotlar sovitchkida saqlanishi shart.

R.ISROILOV,
Quva tuman FV bo'limi
bo'linma boshlig'i, leytenant.

Қурилиш меъёрлари ҚМҚ 2.04 02-97 талабларининг 9.30-бандида «Сигимлар ёки ҳовузларнинг сув тўсиш нуқтасидан ўтга чидамлик даражаси 3,4 ва 5 бўлган ҳамда ўт олувчи ашёлар очиқ омборларигача бўлган масофа 30 метрдан кам бўлмаслиги, ўтга чидамлик даражаси 1 ва 2 бўлган биноларгача 10 метрдан кам бўлмаслиги, сув олиш учун 12x12 ҳажмда қаттиқ қопламали майдончалар бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

СУВ ҲОВУЗЛАРИ

Шу сабабли фавқулдда ҳолатларда ёнғин ўчириш транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланиб, сув олишлари учун ёнғинга қарши сув ҳовузларининг ҳудуди доимо очиқ ҳолда бўлиши лозим.

Шундай экан, ёнғинга қарши сув ҳовузларини асраб-авайлашимиз, улардан оқилона фойдаланиш ва сақлаш маданиятига доимо

риоя қилмоғимиз лозим. Негаки, ушбу ҳовузлар ёнғин вақтида ҳаёт-мамот масаласи қадар зарур ва муҳим манба бўлиб хизмат қиладди.

Шерали НОСИРОВ,
Уйчи тумани ФВ бўлими
НТБ бошлиғи,
капитан.

JAZIRAMADAN SAQLANISH

Quyosh urishi ochiq havoda to'g'ri tushadigan quyosh nurlari ostida sodir bo'ladi. Bundan saqlanish uchun bir necha qoidalariga rioya etish zarur:

1. Iloji boricha soat 10:00 dan 17:00 ga qadar tik tushadigan quyosh nurlari ostida bo'lmang.

2. Tabiiy matolar (paxta, kanop va b.sh) dan tayyorlangan kiyim kiying.

3. Albatta, yengil, yorqin rangli bosh kiyim kiying. Ko'zingizga quyoshdan himoyalovchi ko'zoynak taqing.

4. Suv ichish rejimiga amal qiling. Tartibsiz, ko'p miqdorda suv ichish chanqoqni yaxshi bosmaydi. Yaxshisi achchiqroq damlangan choy, kvas, har xil sharbatlar, mineral suv iching.

5. Quyoshdan himoya qiluvchi kremlardan foydalaning.

6. Quyoshda bo'lib qaytganingizdan so'ng dush qabul qiling yoki ho'l sochiq bilan artining.

7. Och qoringa yoki ovqat yeganingizdan so'ng darhol quyosh ostida bo'lmang.

Quyosh urganda birinchi tibbiy yordam

Birinchi tibbiy yordamni to'g'ri ko'rsatish orqali inson hayotini saqlab qolish mumkin. Asosiysi, kishi o'zini yo'qotmasdan hammasini to'g'ri va tez bajarishi zarur:

- bemorni salqin joyga o'tkazish, chalqancha yotqizish, boshini salgina ko'tarib



qo'yish, kiyimlarini yechish, butunlay tinch muhit yaratish va toza havo kelishini ta'minlash;

- agar bemor hushida bo'lsa, achchiq choy yoki sovuq suv ichirish;

- boshini sovuq suv bilan ho'llash yoki boshiga nam sochiq qo'yish;

- og'ir holatlarda bemorni ho'llangan choyshab bilan o'rab qo'yish yoki ustidan sovuq suv quyib turish mumkin, lekin ehtiyot bo'lish kerak (tana harorati 30 darajadan tushib ketmasligi kerak);

- quyosh yoki issiq urgan bemorlarni yaqin o'rtadagi davolash muassasasiga olib borish zarur. Og'ir hollarda esa zudlik bilan tez yordam brigadasini chaqirish lozim.

Qashqadaryo viloyati FVB
Matbuot xizmati.

G'ALLANI YONG'INDAN ASRAYLIK!

G'alla mavsumi davomida yongin xavfsizligi qoidalariga rioya qilish yuzasidan Qamashi tumani hududidagi mavjud MFY raislari va faollari o'rtasida yig'ilishlar o'tkazilib, mavsumni o'tkazish chog'ida sinovdan o'tmagan avtomobillardan foydalanmaslik, yosh bolalarni qarovsiz qoldirmaslik, tez alanganuvchi suyuqliklardan foydalanmaslik va boshqa shu kabi yong'in xavfsizligi qoidalariga qat'iy rioya qilish lozimligi tushuntirildi.

Shu bilan bir qatorda korxonalar, tashkilot, muassasa va maskanlardagi ishchi-xodimlar

o'rtasida yong'in xavfsizligi qoidalariga amal qilish borasida suhbatlar o'tkazilmoqda.



G'alla o'rimi tadbirlarining barchamiz o'ylaganimizdek tinch va ko'tarinki kayfiyatda o'tishi uchun fuqarolardan ushbu tadbirlarga faol hissa qo'shishlarini so'rab qolamiz.

Otabek XUSHVAQOV,
Qamashi tumani FV bo'limi NTB
boshlig'i, kapitan.
Xilolabonu ALOVXONOVA,
inspektor.

TAJIRIBA VA MAHORAT UYG'UNLIGI

Fuqarolarning favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakatlanish ko'nikmasini shakllantirishda soha xodimlari tomonidan tashkil etib kelinayotgan amaliy mashg'ulotlarning ahamiyati beqiyosdir.

Shu maqsadda, "Sho'rtangazkimyo" majmuasiga qarashli avtomobillarga yoqilg'i quyish shoxobchasida maxsus-taktik o'quv mashg'uloti bo'lib o'tdi.

Unda majmua ishchi-xizmatchilari, yong'in-qutqaruv bo'linmalari va boshqa tezkor xizmatlar vakillari ishtirok etdi.

Mashg'ulot rejasiga ko'ra, shoxobcha hududida ro'y berishi mumkin bo'lgan turli favqulodda vaziyatlarda ishchi-xizmatchilarning tayyorgarligi tekshirilib, avariya va uning oqibatlarini bartaraf etishdagi harakatlar sinovdan o'tkazildi.

Ishirokchilarga favqulodda vaziyatlarda to'g'ri



harakatlanish, jabrlanuvchini qutqarish va birinchi yordam ko'rsatish tartibi amalda ko'rsatilib, qutqaruv xizmatlarining hamkorlikdagi ko'nikmalari mustahkamlandi.

Umrzoq JO'RAYEV,
"Sho'rtangazkimyo" majmuasi
OYXTTEB boshlig'i, podpolkovnik

Ҳозирги кунда Хоразм вилояти Богот туманида қурилаётган объектлар сони 40 тага етади. Уларнинг қурилиш қоида-меъёрлари ва ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида бунёд этилишини назорат қилиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, қурилиш масканларида қоидалар амалиётини таъминлан мақсадида 162 маротаба ўрганиш олиб борилди. Лойиҳа-

лаш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган 62 та лойиҳа чизмаларини ўрганиш давомида аниқланган ёнғинга қарши камчиликлар юзасидан 16 та таклиф берилди. Шаҳарсозлик соҳасида жисмоний ва юридик шахслардан ке-



либ тушган 31 та ёзма ва 612 та электрон мурожаат ўз муддатларида ижрога қаратилиб, белгиланган норма қоидаларидан четга чиқмаган ҳолда ҳулосалар тақдим қилинди.

Қурилиш-реконструкция ишлари олиб

борилаётган 62 та қурилиш масканида электр пайвандчилар билан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги қоидалар бўйича суҳбатлар олиб борилиб, 339 нафар ишчи-хизматчига йўриқномалар берилди.

Бу каби тадбирлар изчил давом эттириляпти.

Дилмурод НУРМЕТОВ,
Богот тумани ФВ
булими бўлинма бошлиғи,
катта лейтенант.

БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Жиззах вилояти ФВБга Дўстлик тумани Дўстлик кўчасида жойлашган деҳқон бозорида ёнғин содир бўлганлиги тўғрисида хабар келиб тушди. Ёнғин-қутқарув бўлинмалари воқеа жойига зудлик билан етиб келиб, ёнғинни батамом ўчиришга эришди.



Ҳодиса оқибатида бозор ҳудудида жойлашган иккита дўконнинг 56 кв.м. қисми ёниб зарарланган. Жабрланганлар йўқ.

Хусниддин ҚУВОНДИҚОВ,
Дўстлик тумани ФВ
булими бўлинма
бошлиғи, капитан.

Кундалик турмушимизда оловдан фойдаланар эканмиз, бу борада доим ҳушёр бўлишимиз лозим. Қолаверса, ҳар бир уй соҳиби ва соҳибаси рўзғор юмушларини бажаришда электр асбобларидан саз ҳолатда фойдаланишлари зарур. Электр асбоб-анжомларидан фойдаланиб бўлгандан сўнг электр симларни тармоқдан узишни асло унутмаслик керак.

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

Хонада газ чиқаётгани сезилса, чироқ ва бошқа электр асбоблари, учкун берувчи воситаларни ёқиш мумкин эмас. Электр асбобларининг ортиқча қизиби кетиш ҳоллари ҳам ёнғин содир бўлишига олиб келади. Хонадонларда электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситаларни улаш

жуда хавфли. Ёниб турган газ плитаси устида кир қуритиш ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Одатда тандирхона ва ошхона бинолари хавфсиз, очиқ жойда қурилгани маъқул. Яшаш уйининг томларида ҳар хил ёнувчи буюмлар, иккиламчи уй-рўзғор жиҳозларини сақлаб бўлмайди. Табиий газни резина шланглар орқали улаш хавфли. Айниқса, тунда газни ёниқ қолдириш ярамайди. Чунки тунда газ босими ортиб, бахтсиз ҳодиса юзага келиши мумкин.

Оловга нисбатан жиддий муносабатда бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидалари, меъёр талабларига тўла ва аниқ амал қилсак, ҳеч қачон хавф-хатарга йўлиқмаймиз.

Баҳодир ИРСИМБЕТОВ,
Тошкент тумани ФВ бўлими
инспектори.



ТАРҒИБОТ

Ёнғинга қарши тарғиботни ёнғиндан сақлаш хизмати, шунингдек, ушбу хизмат кўмагида маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўтказди.

Мактабгача таълим ва таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни мажбурий тарзда ўргатиш тадбирлари мазкур муассасалар томонидан тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган махсус дастурлар бўйича амалга оширилади.

Болаларга ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш, уларни касбга йўналтириш, ёнғинга қарши тарғибот тизimini такомиллаштириш ҳамда ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин вақтида тўғри ҳаракат

қила билишга қаратилган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ ёш ёнғин ўқитувчилар дўстликлари ташкил этилиши мумкин.

Бу каби тадбирларда ҳар биримиздан фаол иштирок этиш талаб этилади. Зеро, ўзимиз, оиламиз хавфсизлиги, аввало, ўзимизга боғлиқдир.

Б.СИДИҚОВ,
“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар
саройида ЁХТТЭБ мутахассиси,
оддий аскар.

НАЗОРАТ

Гулистон шаҳар фавқулодда вазиятлар ва ички ишлар бўлими Гулистон шаҳар ҳудудидаги бозорларда ёнғинлар билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кучайтирилган тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

Мазкур тадбирлар давомида савдо дўконлари эгалари ва сотувчилар билан кенг қўлмалли тушунтириш ишлари олиб борилиб, белгиланган қоидаларга риоя қилмасликнинг аянчли оқибатлари етказилмоқда.

Бундан ташқари, содир бўлиши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатларни тезкорлик билан бартараф этиш учун ёнғин-қутқарув автомобилларининг эркин ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида, ўзбошимчилик билан ўрнатилган расталар ҳамда мавжуд сунъий тўсиқлар ёнғин-қутқарув автомобили ёрдамида олиб ташланди.

Куннинг белгиланган вақтларида экипаж билан навбатчилик ташкил этилган бўлиб, бу ўз ўрнида одамлар гавжум масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда ижобий самара бермоқда.

Профилактик назорат тадбирлари ҳудудларда давом эттирилмоқда.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот
хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

Асрор ГАЗИХОДЖАЕВ,
Гулистон шаҳар ФВ бўлими
бошлиғи, майор.

YONG‘IN TURLARI

Yong‘in – bu nazoratsiz yonish, buning natijasida moddiy qadriyatlar foydasiz va qaytarib bo‘lmaydigan darajada buziladi yoki yo‘q qilinadi, odamlar salomatligi va hayotiga xavf tug‘diradi. Yong‘inning fizikaviy va kimyoviy asoslari yonish jarayonidir.

Yonish - bu qattiq issiqlik, tutun va yorug‘lik nurlanishi bilan birga yonuvchi moddalar va materiallarni yonish mahsulotlariga aylantirishning murakkab fizik-kimyoviy jarayoni. Ushbu jarayon atmosfera kislorodi atmosferasida tez oqadigan kimyoviy oksidlanish reaksiyalariga asoslangan.

Olovda yonishning o‘ziga xos xususiyatlari, boshqa yonish turlaridan farqli o‘laroq, olovning o‘z-o‘zidan tarqalish tendentsiyasi, yonish darajasining nisbatan pastligi va to‘liq va to‘liq bo‘lmagan oksidlanish mahsulotlarini o‘z ichiga olgan tutunning intensiv chiqishi.

Barcha yong‘inlar tashqi yonish belgilari, yong‘in bo‘limlari paydo bo‘lgan joy va kelish vaqti bo‘yicha tasniflanishi mumkin.

1. Yonishning tashqi belgilariga ko‘ra yong‘inlar tashqi, ichki, tashqi va ichki, yashirin va ochiq turlarga bo‘linadi. Tashqi yong‘inlarga yonish belgilari (alanga, tutun) ingl. Ichki yong‘inlarga bino ichida paydo bo‘ladigan va rivojlanadigan yong‘inlar kiradi. Ular ochiq va yashirin bo‘lishi mumkin. Ochiq yong‘inlarda yonish belgilari binolarni o‘rganish orqali aniqlanishi mumkin. Yashirin yong‘inlarda yonish qurilish inshootlari, shamollatish kanallari va konlarning bo‘sh joylarida, torf koni ichida, torf uyumlarida va hk.

2. Birinchi o‘t o‘chirish brigadasi kelgan vaqtga ko‘ra yong‘inlar boshlangan va boshlanmaganlarga bo‘linadi. Dastlabki yong‘inlar - bu birinchi o‘t o‘chiruvchilar kelishidan oldin sezilarli

darajada rivojlangan yong‘inlar (masalan, o‘t o‘chirish brigadalarini kech aniqlash yoki ularga xabar berish sababli). Boshlangan yong‘inlarni o‘chirish uchun, qoida tariqasida, birinchi yong‘in bo‘linmalarining kuchlari va vositalari yetarli emas. Yonmagan yong‘inlar aksariyat hollarda birinchi etib kelgan bo‘linma kuchlari va vositalari, ob‘ekt aholisi yoki ishchilari tomonidan o‘chiriladi.

3. Yong‘inlar miqyosi va intensivligi bo‘yicha quyidagi turlarga bo‘linadi: Alohida yong‘in - bu alohida bino yoki inshootda yuzaga keladigan yong‘in. Alohida yong‘inlar oralig‘ida qurilgan maydon orqali odamlar va jihozlarning ilgariylashi issiqlik nurlanishidan himoya vositalarisiz mumkin. Qattiq yong‘in - ma‘lum bir qurilish maydonchasida ustun binolar va inshootlarni bir vaqtning o‘zida intensiv ravishda yoqish.

Odamlar va jihozlarning uzluksiz yong‘in zonalari bo‘ylab harakatlanishi issiqlik nurlanishidan himoya vositalarisiz mumkin emas. Yong‘in bo‘roni - bu keng tarqalgan doimiy yong‘inning maxsus bosqichi bo‘lib, uning o‘ziga xos xususiyatlari yonish mahsulotlarining yuqoriga qarab oqishi va isitilgan havo, shuningdek, har tomondan toza havo oqimining kamida 50 km / soat tezlikda yong‘in bo‘roni chegaralariga to‘g‘ri kelishi.

Katta yong‘in - bu alohida va doimiy yong‘inlarning yig‘indisidir.

S.TO‘LAGANOV,
Toshkent shahar FVB YoNvaPB
mutaxassisi, oddiy askar.

BEPARVO BO'LMANG!

Ayni kunlarda mamlakatimiz bo'ylab saqlanib qolayotgan issiq havo barchamizni soya-salqin joylarga, ayniqsa, suv havzalariga yetaklaydi.

Shuning uchun ham, hozirda viloyat FVB, IIB va Milliy gvardiya hamkorligida joylarda fuqarolar ishtirokida nazorat va profilaktik tadbirlar olib borilmoqda.

Qarshi magistral kanali Nishon va Qarshi tumanlari hamda Qarshi shahridagi 8 ta mahalla, Qashqadaryo daryosi Qarshi shahar, Chiroqchi, Koson, Qamashi, Muborak, G'uzor, Kitob tumanlaridagi 19 ta mahalla hududidan oqib o'tadi.

Soha vakillari tomonidan olib borilgan o'rganishlar davomida ushbu mahallalar hududlarida fuqarolar tomonidan 30 dan ortiq manzillarda cho'milish uchun o'zboshimchalik bilan sun'iy ravishda yaratilgan havzalar aniqlandi.

Ushbu manzillarda mavsum

boshidan 250 marotaba nazorat tadbirlari o'tkazilib, ularda 500 nafardan ortiq turli yoshdagi fuqarolarning cho'milish holatlari aniqlangan.

Soha vakillari tomonidan o'tkazilayotgan nazorat tadbirlarida fuqarolarga taqiqlangan suv havzalarida cho'milishning ayanchli oqibatlari batafsil tushuntirilib, nazoratsiz yurgan 300 dan ortiq yosh bolalarning ota-onalari bilan profilaktik suhbatlar olib borildi.

Sohibjon VAYITOV,
Qashqadaryo viloyati FVB
Axborot xizmati rahbari,
kapitan.

Mashrab AHMEDOV,
Qarshi shahar FV bo'limi
boshlig'i, podpolkovnik.

HUSHYORLIK

Dunyoda har bir inson orzu-umid bilan yashaydi. Ko'pchilik halol mehnat qilib, yillar davomida topgan mablag'i hisobiga yaxshi niyatda bino yoki uy qurishni boshlaydi. Ammo fuqarolarning oddiy bir yong'in xavfsizligi qoidalariga befarq qaraganligi sababli mashaqqatli mehnat evaziga qurilgan uy-joy yoki mol-mulk bir necha daqiqalar ichida kultepaga aylanadi. Bunga qator misollar keltirish mumkin.



Jumladan, 2022-yil 10-iyul kuni soat 11.53 da Zarbdor tumani «Oqbuloq» MFY Sarbon ko'chasidagi xonadonlardan birida yashovchi fuqaro O.X.ning yashash uyi hovlisidagi og'ilxonasida yong'in sodir bo'lgan. Yong'in joyiga Zarbdor tumani FV bo'limi xodimlari zudlik bilan yetib borib, yong'inni bartaraf etishgan. Yong'indan

og'ilxonaning 50 m² qismi va ichidagi somon presslari yonib zararlangan.

Agar doimo hushyor bo'lib, yong'in xavfsizligi talablarini bajarsangiz, o'zingiz, oilangiz va mol-mulkingizni yong'inlardan himoya qilgan bo'lasiz.

Sanjar XOLMURODOV,
Zarbdor tumani FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari, kapitan.

МАШГУЛОТ

Жиззах вилояти ФВБ томонидан чўкиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Пахтакор туманида ўтказилган ўқув машғулотлари ҳам ушбу мавзуга бағишланиб, унда иштирокчиларга чўкишга сабаб бўлувчи омиллар, сузиш ва кутқариш техникаси ҳақида маълумот берилди.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса, албатта, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш — тақиқланган жойларда чўмилмас-

лик, каналлардан ўтган қувурларда ҳаракатланмаслик, дарё ва анҳорлар бўйларидида дам олишда эҳтиёт чораларини кўриш ва болаларни назоратсиз қолдирмаслик талаб этилади.

Машғулотнинг амалий қисмида чўкаётган инсонни кутқариш ва унга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш жараёни кўргазмалар тарзда намойиш этилди.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот
хизмати бошлиғи, капитан.
Шоир ФАЙЗИЕВ,
Пахтакор тумани ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари, майор.



“Навоий кон-металлургия комбинати”га қарашли «Болажон» ёзги болалар дам олиш оромгоҳида ҳар бир мавсумда 500 дан ортиқ ўғил-қиз дам олмақда.

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ



Дам олаётган болажонлар ва оромгоҳнинг масъул ходимлари ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доир ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида, ёнғин хавфсизлиги қоида ва талабларига риоя қилиш, ёнғин ва фавқулодда вазиятларда ўзини қандай тутиш қоидалари тушунтирилиб, айни мавзуга доир учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилиб келинмоқда.

намиз» мавзусида қизиқарли викторина ўтказилди.

Мусобақада намунали иштирок этган болажонлар ва ёлиб бўлган иштирокчиларга НКМК ҳамда ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК ЁХТТЭМ ғуруҳ бошлиғи,
катта сержант.

Оромгоҳда туну кун навбатчилик олиб бо- раётган ғуруҳ ва Ёнғин ўчириш автомобили, ундаги ёнғин ўчириш қурол-аслаҳаларининг доимий шайлиги масъуллар томонидан яна бир бор кўздан кечирилиб, «Биз қоидаларни ўрга-

Чўмилиш — ўйин эмас

Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ўрганилган аҳоли дам олиш ва чўмилиш оромгоҳлари раҳбарларига ёз мавсумида дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида куйидагилар тавсия этилади:



кўтарди, чунки сувни ютиб юборишдан чўчийди. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун болага чуқур нафас олиб, нафаси етгунча бошини сувга тикиб туришини (кўзни юмиб ва очиб), оғиз-бурун орқали нафас чиқаришни

сувда кутқарув ғуруҳларини ташкил этиш ва уларни зарур асбоб-анжомлар билан таъминлаш; кутқарувчилар ғуруҳи навбатчилигини ташкил этиш;

кузатув минораларини ўрнатиш; чўмилиш ҳудудларининг назорат-кузатув йўналиши бўйича чизмаларини ишлаб чиқиш, чегараловчи ва тақиқловчи белгилар ўрнатиш; сувда сузиш воситаларининг техник созилиги тўғрисида тегишли ташкилотлардан рухсатномалар олиш;

сувда чўмилиш ҳудуди соҳилида сувда сузиш воситаларидан фойдаланиш йўриқномаларини ўрнатиш ҳамда дам олиш масканларида санитария қоида ва меъёрларига риоя қилиш ва ҳ.к.

Болалар оромгоҳларида сузиш мураббийлари сув ҳавзаларида 12 нафаргача болани бир вақтда чўмилтиришлари, бир метргача бўлган чуқурликда чегара пуфакчалари ўрнатиш кераклиги ҳамда оромгоҳ сув ҳавзаларини қаровсиз қолдирмасликлари, бегона, яъни оромгоҳда дам олаётган болалардан ташқари бошқа шахсларга чўмилишга рухсат бермасликлари керак.

Маълумки, чуқурроқ борган сари бола бошини сув сатҳидан баландроқ

ўргатиш керак. Сўнг болани қирғоққа чиқариб, чуқур нафас олдириб, сувга тик ҳолатда оёқларини букмай сакратиш ва бироз сув тагида нафас олмай туришни машқ қилдириш лозим. Бола сув тагидаги бирор ўйинчоқни эгилиб тез олади, сўнгра шу ўйинчоқни тиззаларини букиб, кўзини очган ҳолатда ўтириб яна сув тагидан олади. Бу машқлар билан бола сувдан чўчимайдиган бўлади ва бошини пешонагача сувга тикиб туришни ўрганади.

Хулоса шуки, болага сувда чўмилиш ўйин эмас, балки фойдали машғулот эканлигини тушунтириш, бунинг учун эса унга болалиқданок сузиш ва унинг маданиятини чуқур ўргатиб боришимиз лозим. Шундагина биз сувда чўмилиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда самарали қадам ташлаган бўлаемиз. Зеро, сувдан оқилона ва эҳтиёткорлик билан фойдаланилгандагина у бизнинг дўстимиз бўлиши мумкин.

Х.ШАРИПОВ,
“Ўзметкомбинат” АЖ
ОЁХТТЭБ ЁнВАПБ бошлиғи,
подполковник.
Н.АБДУЛЛАЕВ,
инспектор, лейтенант.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Ўқувчиларнинг ёзги дам олиш масканларини мавсумга тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини хавфсиз ташкиллаштириш ишларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қатори ФВБ тизими ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар.

Хусусан, Олмалик шаҳар ФВ бўлими ходимлари оромгоҳларда ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан дам олиш масканларида ўрганишлар олиб бориб, оромгоҳлар раҳбарларига зарур тавсиялар бермоқдалар.

Ушбу тadbirlar жараёнида маскан раҳбарлари, ишчи-хизматчилар ва мураббийлар билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича суҳбатлар олиб борилиб, уларга йўриқномалар бериллаётир.

Ўқувчиларни ёнғинлардан муҳофаза этиш мақсадида, болалар дам олиш оромгоҳларининг ёнғинга қарши ҳолатини талаб даражасига келтириш, мавсум давомида ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда дам олувчи болалар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўлланма ишлаб чиқилиб, барча оромгоҳларга тарқатилди.

Ҳозирда мазкур қўлланма асосида оромгоҳлар жамоаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тadbirlar давом эттирилмоқда.

Ш.ШЕРҚУЛОВ,
Олмалик шаҳар ФВ бўлими
МТБ бошлиғи, лейтенант.

ЁДДА ТУТИНГ!

Ҳавонинг кескин исиб кетиши инсон саломатлигига салбий таъсир этади ва бунинг натижасида тана ҳарорати кескин ортиб кетади. Натижада ҳушдан кетиш, нафас қисиши ва юрак тўхташи билан боғлиқ ҳолат юзага келиши мумкин. Иссиқ таъсирдан сақланиш учун оч рангдаги ҳаво ўтказувчи кийимлардан фойдаланинг.

Қуйган тана терламайди ва совимайди. Ёзнинг иссиқ вақтларида салқин жойларда бўлишга ҳаракат қилинг, алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилишдан сақланинг, сабзавотлардан кўпроқ истеъмол қилинг.

Офтоб урганда соя жойга, шамол бор жойга ўтинг, душ қабул қилиб, баданингизни совитишга ҳаракат қилинг. Жазирама иссиқ кунда ёнғин хавфи келиб чиқишини ҳам унутманг.

Д.ҚАЮМОВ, Шўртан нефть
ва газ қазиб чиқариш
бошқармаси БЁХТТЭБ
ПванБ катта инспектори,
подполковник.
Н.ХУШВАҚТОВ, ФВБ Академияси
4-босқич курсанти.

Биласизми?

АВТОМОБИЛЬ ТАРИХИДАН



Дунёнинг турли бурчакларидаги миллионлаб автомобиль ишқибозлари яхши билишадики, АҚШнинг икки юз йиллик тарихидан юз йили автомобиллар даврига тўғри келади. Бу тарихга катта ҳисса қўшган Генри Форднинг шижоати ҳаммани ҳайратга солган...

**1863 йил, 30 июл.
АҚШ. Мичиган.**

Оддийгина фермер оиласида дунёга келган Генри ёши улғайган сари худди отасидек фермер бўлишни ҳам, фермада ишлашни ҳам истамаганди. У кўпроқ турли машиналар яратишдан завқланар, 16 ёшга кирганида мактабни ташлаб, Детройт шаҳрига боради ва ўзи учун қизиқарли иш ахтара бошлайди. Чунки бу шаҳар ҳозирги кунда бежизга Американинг “автомобиллар пойтахти” деб аталмайди. АҚШга ташриф буюрадиган сайёҳларни доим ҳайратга солган Детройт ёш ва бўлажак “автомобиллар қироли”ни ҳам кучоқ очиб кутиб олади.

**1896 йил, Детройт:
“Тўрт оёқли велосипед”**

Дастлаб бу ерда механик бўлиб ишлай бошлаган Генри худди шу йили ўзининг дастлаб машинасини яратади. Энг қизиғи, бу машина шу пайтгача яратилган машиналардан бутунлай фарқ қиларди. У ушбу машинасини “квадрисайкл”, яъни — “тўрт оёқли велосипед” деб атади. Чунки бу машинанинг оёқлари худди велосипедникига ўхшаш эди.

1902 йили Генри Форд ўзи ясаган машина билан машҳур пойгада голиб деб топилди. Чунки унинг мазкур машинаси шу вақтгача яратилган машиналар ичидаги «энг тезюрар машина» деб тан олинади. Бу машина соатига етмиш милл йўл босар эди.

Ва ниҳоят, Генри Форд «Ford Motor Company»га асос солиш учун етарли маблағга эга бўлади.

АРЗОН ВА ТЕЗЮРАР

Дунёдаги барча одамларда машина бўлишини чин дилдан истаган Генри Форд кейинги яратадиган машиналарини арзонроқ бўлишини хоҳлайди. У ўйлардики, агар машиналар бир хил қилиб яратилса, уларга

камроқ сарф-харажат ва вақт талаб қилинади. Натижада машиналар шубҳасиз арзон бўлади. Шундай қилиб у ўзининг яна бир янги моделини яратди. Генри Форд ишонардики, бу бошқа машиналарга қараганда анча арзон бўлади. Ниҳоят у кутган «А-модель» дунёга келди.

1908 йилда эса Генри Форд ўзининг энг машҳур «Т-Форд» моделини яратди. Бу машиналар миллионлаб сотувга чиқарилди. Машҳур автомагнатнинг бу машинаси ўша вақтларда сотувга чиқарилган машиналарнинг энг арзони, яъни уни бор-йўғи 850 долларга сотиб олиш мумкин эди.

**ЯНГИ УСУЛ:
ЯНАДА ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ**

Америка тарихидан Генри Форд йирик маркетинглардан бири сифатида ҳам ўрин олган. У йиғадиган конвейерни ташкил қилиб, нархларни янада туширишга эришди ва ўзининг арзон ва тезюрар автомобилларини миллионлаб реализация қилди...

Кунлардан бир кун Генри Форд тасодифан гўшт қадоклайдиган фабрикага кириб қолади ва бу ерда у гўшт бўлақларини «конвейр» усулида қадоклашаётганини кўриб, худди шу усулни машиналар ясайдиган цехда ҳам фойдаланса қандай бўлиши ҳақида ўйлаб қолади. Ахир бу айти у орзу қилганидек, ҳар бир ишчи бир вазифани бажариши, натижада иш тез ва қулай бажарилиши мумкин бўлган усул эди.

Шундай қилиб, машиналар Генри Форд ўйлаб топган «конвейр» усулида муваффақиятли йиғила бошлади. Бу усул шундан иборат эдики, машинанинг ўзи ишчининг олдида келар, ишчи эса жойида турганча, унга маълум бир қисмни ўрнатарди. Натижада иш тез фурсатда бажариларди. Шу вақтгача бир машинани йиғиш учун 14 соатдан кўпроқ вақт талаб қилинган бўлса, энди бу вақт икки соатни ташкил қилаётганди.

Ўз навбатида, Форд ҳам машиналар нархини туширади. Энди одамлар «Т-Форд» моделини 250 долларга сотиб олишлари мумкин эди.

ОРЗУ АМАЛГА ОШДИ

Ҳеч шубҳасиз, XX асрнинг энг муваффақиятли тadbиркорларидан бири саналган



Генри Форд техника ихтироларидан тижорат мақсадида жуда юксак самара билан фойдаланди. Ниҳоят “автомобиллар қироли”нинг орзулари амалга ошди. Одамлар арзон ва тезюрар машиналарда ўзлари кўзлаган манзилларига етиб борардилар. У ўзининг машҳур «Т-Форд» моделини ишлаб чиқаришни тўхтатган вақтда 15 миллиондан ортиқ машина аллақачон ўз эгаларини тогган эди...

Бироқ бугунги кунда харидорлар учун танлов имкониятлари янада кўпаймоқда. Буюк компаниялар ўзларининг жорий имкониятлари билан ҳеч қачон қониқмайдилар. Форд автомашиналари бугун янада замонавий тус олиб, компания дунёнинг энг йирик ишлаб чиқарувчилари қаторида ўз моделларини тақомиллаштириш йўлида тинимсиз иш олиб бормоқда.

ҚИЗИҚАРЛИ ТАДҚИҚОТ

MCN портали келажакка назар ташлаб, автомобиллар қандай бўлиши ҳақида ўз тахминларини эълон қилди. Портал мутахассисларининг таъкидлашича, келажакда ҳам хавфсизликка катта эътибор қаратилади ва тўқнашувлари камайтиришга имкон берадиган тизимлар янада тақомиллаштирилади.

Масалан, радар маълумотлари асосида ишлайдиган адаптив круиз-назорат сизнинг машинангиз ва олдинда ҳаракатланаётган автомобиль орасида хавфсиз масофани сақлашга қўмаклашади. Айти пайтда бундай назорат фақатгина BMW, Ауди ва Форд машиналарида мавжуд.

Шунингдек, келажакда автомобиль шунчаки транспорт воситаси бўлибгина қолмай, «ақлли қурилма»га ҳам айланади. Яъни, машиналар симсиз алоқа тизими орқали бири-бири билан боғланади. Бу тизим қарши томондан келаятган ёки қизил чироқда ўтиб кетган машина ҳақида маълумот узатади ҳамда олдиндаги машинани қувиб ўтишингизга ёрдам беради.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.



Vaziyat

газетаси

**Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
Б.ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Катта дархон, 20-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6670 нуска

